

Аёлларнинг жамоат жойларига хушбўйланиб боришлари мумкинми?

15:25 / 24.04.2016 4302

Баъзи аёлларимиз кўпчилик, хусусан эркак-аёл аралаш тўпланадиган жойларга пардоз-андозни жойига қўйиб, атирларни бурқситиб боришлари ҳеч кимга сир эмас. Динимиз талабларига кўра уларнинг шундай йўл тутишлари тўғрими?

ЖАВОБ: Ислом дини мўмина-муслима аёлларни эркаклар кўп тўпланган жойларга, айниқса кўчага хушбўй атирларни сепиб чиқишларини ман этган. Имом Насайй бундай ривоят келтиради: «Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўзларига йўлиққан бир аёлдан хушбўй ҳидни сезиб қолиб: «Эй Жабборнинг бандаси, масжиддан келдингми?!» дедилар. У аёл: «Ҳа», деб жавоб қайтарди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Мен ўз ҳабибим Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Аллоҳ таоло ушбу масжидга хушбўй атир сепиб келган аёлнинг намозини то у аёл жунубликдан кейин ғусл қилгандек ғусл қилмагунича қабул қилмайди», деганларини эшитганман, дедилар».

Имом Термизий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир кўз зинокордир. Қайси бир аёл атир сепиб олиб, бир мажлис аҳли олдидан ўтса, бундоқдир, бундоқдир», деб оғир нарсани айтганлар. Шунингдек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг ширали овоз билан эркаклар эътиборини тортишини ҳам ман қилганлар.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида: «Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки нажот топсангизлар», деган. Яъни, ушбу баён қилинган ҳолатларда сиздан хато ўтган бўлса, Аллоҳга тавба қилинг ва бу хатоларни бошқа такрорланганг. Шундагина нажот топишингиз мумкин (Аллоҳ билувчидир).